

Тошкент шаҳар Қурилиш Бош бошқармаси

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Бош бошқарма бошлиғи



Б.З.Халматов
Б.З.Халматов.
«20» 05 2020 й.

АРХИТЕКТУРА РЕЖАЛАШТИРИШ ТОПШИРИҒИ
12А - сонли

(Қурилиш учун асос бўла олмайди)

Буюртмачи: Тошкент шаҳар Хокими ижроия маҳкамаси
«E-IJRO AUKSION» учун.

Бино (иншоот тури): Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат
кўрсатиш мажмуаси қуриш.

Манзили: Бектемир тумани, Бинокор қўрғони, Шолиқор
3-тор кўчаси.

Манзил: И.Каримов 55-уй

<p>Архитектура Режалаштириш Топшириқларининг бўлимлари</p>	<p>Бўлимларнинг мазмуни</p>
<p>Архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш учун асос бўлган хужжатлар.</p>	<p>-Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 20 декабр 2019 йилдаги 1023-сонли қарори. -Тошкент шаҳар Хокими ижроия маҳкамаси «E-IJRO AUKSION» учун. -Хулосалар.</p>
<p>Ер майдонининг жойлашиш ва бош режада тутган ўрни</p>	<p>-Шаҳарсозлик хужжатлари асосида объект туманнинг турар-жой, жамоат бинолари мавжуд бўлган ҳудудда жойлашган ҳамда муҳандислик тармоқлари билан таъминланган.</p>
<p>Ер майдонининг табиий ва иклимий кўрсаткичлари</p>	<p>-Шаҳарсозлик хужжатлари ишлаб чиқиладиган ер майдони IV Б иқлим (климат) ҳудудида жойлашган. Хаво харорати: Ўртача йиллик 25,1° С Баланд харорат 40° С Паст харорат -18° С</p>
<p>Ер майдонининг инженерлик жиҳатидан ўрганилганлиги</p>	<p>-Объектнинг инженерлик ҳолатини ўрганиш учун «O'ZGASHKLITI» давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар филиалига 1:500 нисбатдаги топохарита ишлаб чиқиш учун буюртма берилиши лозим. Объект чегаралари 1:2000 нисбатдаги топохаритада тахминий кўрсатилган бўлиб, биноларни жойлаштириш ишлари «O'ZGASHKLITI» давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар филиали корхонаси томонидан бажарилган геологик (геодезик) изланишлар ва 1:500 нисбатдаги топохарита ва инженер геологик хулосаларга асосан олиб борилсин, ҳамда лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқувчи ташкилот ва туман архитектори томонидан чегараларига аниқлик киритилсин.</p>
<p>Қизил чизиклар ва қизил белгилар</p>	<p>- Ер майдонининг тасдиқланган чегарасидан чиқмасдан, кўчанинг ҳамда қурилиш чизикларига амал қилган ҳолда, лойиҳа ишларини олиб борилиши таъминлансин.</p>
<p>Архитектура талаблари</p>	<p>- Шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ШНК 2.07.01-03* шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидаги шартлари бажарилсин.</p>

	<p>- Лойиҳалаш жараёнида қурилган ва қурилиши мўлжалланган биноларга боғланган ҳолда ягона архитектура кўринишини (ансамблини) ташкил этиш инobatга олинсин.</p> <p>-Лойиҳа ташкилоти, Архитектура Режалаштириш Топширикларига ҳамда, буюртмачи томонидан тасдиқланган ва Қурилиш Бош бошқармаси томонидан келишилган «Лойиҳа топширикларига» ҳамда 1:500 нисбатдаги топохаритадаги тасдиқланган чегараларига амал қилинсин.</p> <p>-Объектнинг бош режасини лойиҳалашда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан лойиҳалаштирилаётган бинолар кўрсатилган (жойлаштирилган) ҳамда объект атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари акс эттирилган, автомобил тўхташ жойлари ташкил этилган 1:500 нисбатдаги бош плани ишлаб чиқилсин.</p>
Боскичма-боскич лойиҳалаштириш ва қуриш ҳақида	-Шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиш икки боскичдан, қурилиш қилиш ишлари бир боскичдан иборат.
Ер майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳақида	<p>-Лойиҳа ҳужжатларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш қисмида бинонинг атрофида игна баргли, манзарали дарахтлар ва мавсумий кўркамлик даражаси бор бўлган кўчат ва гуллар ўтказилиши инobatга олинсин.</p> <p>-Кўкаламзорлаштириш ҳудудларини кўк чимлар билан қоплаш, ландшафт архитектурасига эътибор берган ҳолда экилган дарахтларга шакл берилсин.</p> <p>-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 ноябрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон атроф муҳитни сақлаш концепцияси»га асосан ҳамда Мараторийдан келиб чиқиб кўп йиллик дарахтлар сақлаб қолиниши шарт.</p>
Санитария гигиена талаблари ҳақида	-Санитария гигиена талаблари (ШНК) 2.07.01-03 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда(СН ва М) 0350-17. (СанП иН) асосан лойиҳалаштирилсин.
Ёнғиндан сақланиш талаблари ҳақида	-Ёнғиндан сақланиш талаблари (ШНК) 2.02.01-04 шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан лойиҳалаштирилсин.
Экология талаблари ҳақида	-Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига, асосан барча экологик меъёрларга амал қилиш инobatга олинсин ҳамда санитария гигиена талабларига жавоб берадиган қурилиш молларидан фойдаланилсин.


<p>Лойиҳа ишларини тасдиқлатиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Шаҳарсозлик ҳужжатларини, лойиҳалаш ташкилоти томонидан, Бош бошқарма қошидаги «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгашига» ўрнатилган қуйидаги тартибда тақдим этилиши керак. - Бино жойлашган ҳудуднинг чегаралари ва қизил чизиқлари туширилган 1:500 нисбатдаги топохаритада ҳудуднинг бош режаси. - Биноларнинг тарз ва ён кўринишлари. - Бино ва иншоотларнинг тархи, қирқимлари ва хоналар экспликацияси. - Объектнинг ҳолати ва мавжуд бино ва иншоотлар билан боғлиқлиги (развёртка фасадов) ва фотосуратлар - Перспектива
<p>Буюртмачига ва лойиҳачига қуйилаётган талаблар</p>	<ul style="list-style-type: none"> - Бош бошқарма қошидаги «Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши» хулосасида кўрсатилган камчиликни бартараф қилади. - Лойиҳа ҳужжатларини экепертизадан ўтказди. - Қурилиш-монтаж ишларини бошлашдан аввал Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасидаги назорат инспекциясидан қурилиш-монтаж ишларини ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш шарт. - Ҳудуддаги ўз-ўзини бошқариш органлари билан (махалла, ширкат ва ҳоказо) лойиҳа ишлари келишилади.
<p>Қўшимча талаблар</p>	<p>- Шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиш жараёнида қурилиш меъёрлари ва қоидалари шу билан бирга, зилзилага бардошлик, ҳамда ШНҚ 2.07.01-03 шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари инобатга олинсин.</p>
<p>Архитектура Режалаштириш Топшириқларга амал қилиш муддати</p>	<p>- Мазкур Архитектура Режалаштириш Топшириқларига амал қилиш муддати объект фойдаланишга топширилгунга қадар этиб белгиланади.</p>


КЕЛИШИЛГАН:

Архитектура-режалаштириш
топшириқлари бўлими бошлиғи

Архитектура режалаштириш
топшириғини тузувчи


Т.Ибрагимов


Р.Илхомов



ТАЪРИФНОМА

1. Тошкент шаҳар Хоками ижроия маҳкамаси «E-IJRO AUKSION» га Бектемир тумани, Бинокор кўрғони, Шоликор 3-тор кўчасида Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун 1-индекс билан кўрсатилган жой.
2. 4 каватли турар-жой бинолари
3. Якка тартибдаги турар жой бинолари.
4. Ишлаб чиқариш корхоналари.
5. Масжид.
6. Қабристон.

<i>Тошкент шаҳар Қурилиш Бош бошқармаси</i>	
<i>Архитектура лойиҳалаш топшириги</i>	
<i>Буюртмачи: Тошкент шаҳар Хоками ижроия маҳкамаси «E-IJRO AUKSION».</i>	
<i>Объект: Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш.</i>	
<i>Ўлчови 1: 2000</i>	
<i>АРТ бўлими бошлиги</i>	<i>Т.Ибрагимов</i>
<i>Ишлаб чиқди</i>	<i>Р.Илхомов</i>
<i>Кўчирди</i>	